

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

“ЁШЛАР ДаФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН  
ЁШЛАРНИНГ ИЛМ-ФАН, СПОРТ, САНЪАТ  
ВА МАДАНИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ  
ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОКИНИ МОДДИЙ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидағи тадбирларда иштирокини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 14 б.

Тузувчилар: Б. Донаев

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидағи тадбирларда иштирокини моддий қўллаб-қувватлаш тартиби содда тилда баён этилган. **Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тадбирларда иштирокини моддий қўллаб- қувватлаш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари .....	5
Умумий қоидалар .....	6
Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш.....	7
«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиши харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиши тартиби.....	10
«Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиши тартиби.....	11
«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратиши тартиби.....	12
«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг нотурар жой ижара харажатларини қоплаш тартиби.....	13

## Кириш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни жадал ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш ва инвестициялар жалб қилиш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳалалларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда жамиятда маҳаллаларнинг ролини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Хусусан, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлат томонидан ёшларни қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш учун тадбиркорликка қизиқувчи ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўнікмаларига ўқитиш ҳамда ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизимида тинимсиз ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини гувоҳимиз.

Ушбу қўлланмада ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш ҳамда якунлари бўйича маҳсус сертификатлар қўлга киритиш билан боғлиқ харажатларини давлат томонидан қоплаш тартиби ва механизми, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шунингдек ушбу кафолатдан фойдаланиш учун қаерга, қай тартибда мурожаат қилиш тартиби содда тилда очиб берилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

**“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг илм-фан, спорт,  
санъат ва маданият йўналишларидағи тадбирларда  
иштирокини моддий қўллаб-қувватлаш соҳасини тартибга  
солувчи қонунчилик ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–37-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 7 июнь “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори



## Умумий қоидалар

**1.** Давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллада ёшлар сиёсати соҳасида ташкил этиладиган лойиҳа, танлов ва тадбирларини молиялаштириш Ёшлар ишлари агентлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда календарь режага киритилгандан сўнг ҳудудий ва туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштирилади.

**2.** “Ёшлар дафтари”га ёшлар яшаб турган жойи бўйича киритилади. Бунда ёшларнинг яшаб турган жойи бўйича ҳисобда турмаслиги уларни “Ёшлар дафтари”га киритишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

**3.** Ёшлар электрон платформа орқали:

бевосита ўзи томонидан электрон платформага тегишли маълумотларни киритиш;

Ёшлар ишлари агентлигининг “1093” қисқа рақамли Call-марказига мурожаат қилиш;

ёшлар етакчисининг кўмагида электрон платформага тегишли маълумотларини киритиш йўли билан “Ёшлар дафтари”га киритилади.



**4.** «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки киритиш рад этилганлиги хақида асосланган хабар, шу жумладан, СМС-хабарнома юборилади.

**5.** “Ёшлар дафтари”га киритилганда тизим томонидан автоматик тарзда олмоқчи бўлган ёрдам турини олиш ҳақидаги ариза унинг номидан шакллантирилади ва ушбу ёрдам турини бериш ёки бермаслик юзасидан тавсия бериш учун ариза берувчининг яшаб турган жойидаги маҳалланинг ёшлар етакчисига йўналтирилади.

Олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий ва халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратишни сўраб ариза берувчи Васийлик кенгашига мурожаат қиласи.

**Ариза берувчи**

**Васийлик кенгаши**

Васийлик кенгаши — “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида қонунчилек хужжатларида белгиланган тартибда манбаатдор ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат таркибда тузиладиган коллегиал орган.

## **Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш**

**6. Хар бир маҳалла даражасидаги тадбирларга бир календарь ой учун — БХМнинг 10 бараваригача** маблағ ажратилади. Календарь режага киритилмаган тадбирлар «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағларидан молиялаштирилишига йўл қўйилмайди.

**7. Календарь режа** — ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги маҳалла, сектор, туман (шаҳар) ва ҳудудий тадбирларни молиялаштириш учун «Ёшлар дафтари» электрон платформаси орқали шакллантириладиган ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига чораклик лойиха, танлов ва тадбирлар сони ва тури хусусидаги маълумотларни тақдим этади.

**8. Маҳалла даражасидаги тадбирларни ташкил этиш учун маҳалладаги ёшлар етакчиси Календарь режадан келиб чиқиб, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига чораклик лойиха, танлов ва тадбирлар сони ва тури хусусидаги маълумотларни тақдим этади.**



Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари беш иш куни ичида маҳаллалар бўйича чораклик лойиха, танлов ва тадбирлар сони ва тури тўғрисидаги маълумотларни календарь режага мувофиқлигини текширади ва ажратиладиган товар моддий бойликлар тури ва сони тўғрисидаги маълумотларни туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига юборади.

**9. Туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгаши маҳаллалар бўйича режадаги товар моддий бойликларни харид қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.**

**10.** Васийлик кенгаши қарори асосида товар моддий бойликлар «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда харид қилинади.

**11.** Васийлик кенгаши товар моддий бойликлар харид қилингандан сўнг уч иш куни ичида Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига етказилишини таъминлайди.

**12.** Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари икки иш куни ичида товар моддий бойликларни маҳаллалар бўйича тақсимлаб, маҳалладаги ёшлар етакчиларига тарқатади.



**13.** Маҳалладаги ёшлар етакчиси товар моддий бойликларни ёшларга тарқатиш бўйича, топшириш, қабул қилиш далолатномасини расмийлаштиради ва қонунчиликда белгиланган тартибда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига ҳисбот топширади.

**14.** Календарь режада белгиланган лойиха, танлов ва тадбирларни сектор, туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш учун Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари Васийлик кенгашига чораклик тадбирлар режасини тақдим этади ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига кўриб чиқиши учун киритади.

**15.** Тадбирлар режаси халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг тадбирларни ўтказиш учун Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ «Ёшлар дафтари» жамғармасидан маблағлар ажратилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда тадбирларга ажратиладиган товар моддий бойликларни харид қиласи.


**16.** Васийлик кенгаши товар моддий бойликлар харид қилингандан сўнг уч иш куни ичида Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига етказилишини таъминлайди.

**17.** Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари товар моддий бойликларни топшириш, қабул қилиш далолатномасини расмийлаштиради ва қонунчиликда белгиланган тартибда Васийлик кенгашига ҳисбот топширади.

**18.** Васийлик кенгаши ҳар чорак якуни бўйича ўтказилган тадбирлар бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисбот тақдим этади.

**Календарь режага киритилмаган тадбирларни ташкил этишга маҳалладаги ёшлар етакчисини жалб этишга йўл қўйилмайди.**

## Ёшлар учун ташкил этилган тадбирларни молиялаштириш схемаси



## **«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби**

**19.** Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларни ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича **олти ойгача** муддатли ўқув курслари учун **ҳар ойда БХМнинг 4 бараваригача** микдорда ёшлар етакчисининг **ижобий тавсияси асосида** «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратилади.

### **Субсидия ажратилиши учун:**

Ариза берувчи субсидия ажратишни сўраб Васийлик кенгашига ўзи ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этади.

**20.** Бунда ариза берувчига «1+1» тамойили асосида бир вақтнинг ўзида замонавий касб ёки ахборот технологиялар ўқув курси билан биргаликда хорижий тил ўқув курсида ўқиш харажатлари учун ҳам субсидия ажратилиши мумкин.

**21.** Ариза берувчи субсидия ажратишни сўраб Васийлик кенгашига ўзи ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этади.

Шартномада нодавлат таълим ташкилотининг номи, СТИР, ўқитиладиган замонавий касб, хорижий тил тури ёки ахборот технологиялар йўналиши, ўқув курсининг бир ойлик тўлови микдори ва умумий муддати кўрсатилган бўлиши лозим.

**22.** Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун **ариза берувчи жавобгар** ҳисобланади.

Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши уч иш куни ичида мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.

**23.** Маҳалладаги ёшлар етакчиси беш иш куни ичида субсидия ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар маҳалладаги ёшлар етакчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш хуқуқига эга бўлади.

**24.** Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг уч иш куни ичида ўқув курси учун белгиланган маблағлар ариза берувчининг ўқиганлигини тасдиқловчи ҳисоб-фактура ва далолатномага асосан нодавлат таълим ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади.

**25.** Маҳалладаги **ёшлар етакчisi** ариза берувчи томонидан ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини **хар ойда камида бир марта мониторинг асосида ўрганади**.

Ўрганиш жараёнида ариза берувчи томонидан ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ўқув курси учун субсидия бериш тўхтатилади.



## **«Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш тартиби**

**26.** Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курслари учун **хар ойда БҲМнинг 1 бараваригача** микдорда маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиши

бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиблари асосида субсидия ажратилади.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидағи олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратиш тартиби**

**Субсидия ажратилиши учун:**

Субсидия ажратишни сўраб Васийлик кенгашига тасдиқловчи ҳужжатлар (*Васийлик кенгаши номига расмий хати ва бошқалар*) илова қилинган ҳолда ариза тақдим этилади.

**27.** Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидағи олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг **маҳаллий босқичларида** қатнашиш учун иштирокчиларнинг яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун **БХМнинг 4 бараваригача** ҳамда ушбу олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг **халқаро босқичларида** қатнашиш харажатлари (иштирокчиларнинг яшаш ва транспорт харажатлари) учун **БХМнинг 40 бараваригача** миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратилади.

**28.** Олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий ва халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратишни сўраб ариза берувчи Васийлик кенгашига олимпиада, танлов ва мусобақаларда иштирок этиш хуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни (спортни ривожлантириш бўлими, маданият бўлими, халқ таълими бўлими ёки тегишли спорт федерацияларининг Васийлик кенгаши номига расмий хати ва бошқалар) тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

**Бунда ушбу субсидияни бериш учун маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсияси талаб этилмайди.**

Васийлик кенгаши талабгорнинг аризасини уч иш куни ичида ўрганиб чиқиб қарор қабул қилади.

**29.** Васийлик кенгаши қарорига асосан ариза берувчининг транспорт (темирйўл, авиа ҳамда вилоятлараро ва шаҳарлараро қатновчи автобус) харажатлари:

хаво транспортида — иқтисодий класс тарифи бўйича;

темир йўл транспортида — 2-класс тарифи бўйича қоплаш учун чипта реализация қилувчи ташкилотларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.



**30. Олимпиада, танлов ва мусобақа давомидаги яшаш харажатлари вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (2015 йил 19 ноябрь, рўйхат рақами 2730) 1-иловада белгиланган суммаларда қопланади.**

Васийлик кенгаши томонидан уч иш куни ичида зарур чора-тадбирлар белгиланади ва маблағлар ўтказиб берилади.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг нотураг жой ижара харажатларини қоплаш тартиби**

**31.** Ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг уч ой муддатгача нотураг жой ижара харажатлари учун БХМнинг 50 бараваригача миқдорда маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижарага берувчи ташкилотга қоплаб берилади.

Бунда нодавлат таълим ташкилотида ўқиётган жами фуқароларнинг энг камида бешдан бир қисми «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлса, ўқув марказига ушбу имкониятдан фойдаланишга йўл қўйилади.

**32.** Нотуар жойнинг ижара харажатларини қоплаш учун нодавлат таълим ташкилоти номидан иш юритиш ваколатига эга шахс — ариза берувчи Васийлик кенгашига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

<i>1)</i>	<i>тадбиркорлик субъекти гувоҳномаси нусхаси;</i>
<i>2)</i>	<i>ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришинома;</i>
<i>3)</i>	<i>ижара шартномаси нусхаси. Бунда, ижара шартномасида ижарага берувчининг номи, СТИР, ижаранинг бир ойлик тўлови миқдори кўрсатилиши лозим;</i>
<i>4)</i>	<i>нодавлат таълим ташкилотида таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сони ва «Ёшлилар дафтари»га киритилган ёшлилар сони тўғрисида маълумот.</i>

Тақдим этилган хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

**33.** Тегишли хужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши уч иш қуни ичида мурожаатни илова қилинган хужжатлар билан бирга ариза берувчи фаолият юритиб келаётган маҳалладаги ёшлилар етакчисига кўриб чиқиши учун юборади.

Маҳалладаги ёшлилар етакчиси беш иш қуни ичида ижара харажатларини қоплаш ҳақидаги тавсияномани ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда ижара харажатларини қоплашни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар маҳалладаги ёшлилар етакчиси мурожаатни унга келиб тушган пайтдан бошлаб беш иш қуни ичида кўриб чиқмаса ёки ижара харажатларини қоплашни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳукуқига эга бўлади.

**34.** Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан ижара харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг ариза берувчи бино ва иншоотдан фойдаланаётганлиги тўғрисида ижарага берувчи билан ҳар ой якуни бўйича тузиладиган ва кейинги ойнинг 5-кунигача тақдим этиладиган ҳисоб-фактурага ва далолатномага асосан Васийлик кенгаши бино ва иншоотнинг ижара ҳақи учун тўловни уч иш қуни ичида ижарага берувчининг ҳисоб рақамига ўтказади.

**35.** Махалладаги ёшлар етакчиси ижарага олинган бино ва иншоотнинг ижарага олувчи томонидан ҳақиқатда фойдаланилаётганлигини **хар ой мобайнида камида бир марта мониторинг** асосида ўрганади.

**Ўрганиш жараёнида ижарага олувчи томонидан ижарага олинган бино ва иншоотдан фойдаланилмаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ижара тўлови учун субсидия бериш тўхтатилади.**

## Нодавлат таълим ташкилотининг нотурар жой ижара харажатларини қоплаш схемаси

